

**QORAQALPOG'ISTON
RESPUBLIKASI
VAZIRLAR KENGASHINING
QARORI**



**QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI
MINISTRLER KENESININ
QARARI**

2023 - yil 10 - yanvar

15-13-0-Q/23

Qoraqalpog'iston Respublikasi
Vazirlar Kengashi

**QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR KENGASHINING
“ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ” ИНЖИНИРИНГ
КОМПАНИЯСИНING ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ ШАКЛИНИ ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ШАКЛИГА ЎЗГАРТИРИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 сентябрдаги “Республикада капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 378-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг капитал қурилишда буюртмачи хизматлари (кейинги ўринларда буюртмачи хизматлари) фаолиятини ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш, қурилишда босқичма-босқич лойиҳа бошқаруви ёндашувига ўтиш, давлат объектлари қурилишини бошқаришга хусусий секторни кенг жалб қилишга имконият яратиш орқали қурилиш сифатини ошириш ҳамда қурилиш жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 сентябрдаги “Республикада капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-378-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2023 йил 1 январдан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг ташкилий-ҳуқуқий шакли давлат унитар корхонаси шаклига ўзгартирилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси давлат унитар корхонаси тугатилган буюртмачи хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида белгиланган тартибда

хуқуқий ворис ҳисоблансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси давлат унитар корхонаси қонунчиликда белгиланган тартибда:

2023 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда буюртмачи хизматининг бизнес-режасини ишлаб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланишини;

давлат унитар корхонасининг таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиб, давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси давлат унитар корхонасига қонунчиликда белгиланган тартибда:

иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳамда фаолиятини яхшилаш мақсадида ички тузилмани ўзгартиришга ҳамда штатлар жадвалини кўриб чиқишга;

заруратга кўра, буюртмачи хизмати ўз вазифаларини сифатли бажариши учун, шу жумладан, объектларни лойиҳалаш учун техник шартларни мукамал тайёрлаш мақсадида уларнинг сақлаш харажатлари доирасида илмий-таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, бошқа ташкилотлар, хусусан хорижий компанияларни ҳамда юқори малакали ва малакали мутахассислар жалб қилишга рухсат берилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Капитал қурилиш ва коммуникация масалалари бўйича котибияти (Ж.Якупов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси давлат унитар корхонаси билан биргаликда қонунчиликда ҳужжатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат корхоналари тўғрисида”ги Низомнинг 13-бандида назарда тутилган муассиснинг мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Е.Аташов зиммасига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар
Кенгаши Раиси**



Ф.Эрманов